



ТАРЖИМА ЖАРАЁНИ ТАДҚИҚИНИНГ КОГНИТИВ МОДЕЛЛАРИ

Сафаров Ш.

СамДЧТИ профессори, филология фанлари доктори

Калит сўзлар: когнитив модел, когнитив муҳит, таржима жараёни, таржимашунослик, ёндашув, лисоний тафаккур, контекст, инференция, релевантлик тамойили.

Когнитив ёндашув ҳозирги пайтда тушуниш, ўйлаш, хотирлаш, муаммо ечимини излаш ва тилдан фойдаланиш каби ментал жараёнлар тадқиқи билан кизикувчи барча фанларда кенг миқёсда жорий қилинмоқда. Таржимашунослик ҳам бундан четда қолишни истамаслиги шубҳасиз. Таржима жараённинг эвристик характерга эга эканлигини, унинг қандайдир олдиндан қатъий белгиланган дастур ёки амаллар асосида эмас, балки қутилмаган (леклин мантиқан боғланган) ҳаракатлар ижросида кечишини исботлашга уринган М.Я. Цвиллинг таржимани бир босқичда бажариладиган нутқий тафаккур фаолияти натижаси сифатида қарашни таклиф қилган эди. Ҳайратлиси, бу муаллиф таржимага оид ҳаракатларни онгда кечадиган тафаккур фаолиятидан ташқарида кўришни ихтиёр қилганидир (Цвиллинг 1977:17). Эҳтимол, умрининг катта қисмини синхрон таржимага бағишлаган ва шу соҳанинг дарғаси бўлган М.Я.Цвиллинг (қаранг: Умархўжаев 2015) таржима фаолиятининг айнан шу турини назарда тутаётгандир. Унда олим қисман ҳақ бўлиши мумкин, зеро синхрон таржима ўзига хос шаклдаги нутқ ҳаракатларидан иборат бўлиб, фавқуллодда ва бир маротаба бажариладиган фаолият намунаси сифатида тавсифланади. Аммо ушбу фаолият фойдали меҳнат сарфи “минимал” даражага тушишини ҳамда унинг идроки онгининг остонасидан узоқлашишини тасаввур қилиш қийин. Биринчидан, меҳнат сарфини (у ақлий ёки жисмоний бўлишидан қатъи назар) минимал даражага туширишга интилиш инсоннинг қисмати. Иккинчидан, таржима

шароитида вариантларни излаш ва алоҳида бир танлов қарорига келиш, истасак–истамасак, маълум турдаги ментал ҳаракатларнинг ўзаро уюшишидан таркиб топади. Бунда “дастлабки мақсадли тасаввур эквивалент танлови учун туртки ва мезон ролини ўтаса, танланган эквивалентлар, ўз навбатида, таржима матннинг якуний шаклланишига асос бўлади” (Цвиллинг 1977:178). Кўринадики, М.Я. Цвиллингнинг ўзи ҳам таржиманинг мураккаб лисоний тафаккур фаолияти эканлигини инкор этиш ниятида эмас ва биз бунини унинг “Когнитивные модели и перевод” номли, мақоласида (қаранг: Цвиллинг 2009) аниқ кўрамыз. Муаммо бошқа томонда: таржима фаолияти билан боғлиқ ҳаракатларнинг асосий қисми инсоннинг онгида, миясида содир бўлади. Миянинг ҳақиқий “қора қути” эканлиги, унда кечаётган оқилона ва тасодифий ҳаракатларнинг бевосита кузатиш имкони чегараланганлиги ҳақида кўп гапирилди (қаранг: Сафаров 2013). Бироқ, онгли фаолият қай йўсинда кечишини тасвирлаш фақат фаразли тахминларга асосланиши керак, деган хулосадан (қиёсланг Латышев 1988:92) йироқроқ турганимиз маъқулроқ кўринади. Акс ҳолда, ҳозирги пайтда барчамиз учун жозибали кўринаётган когнитология фанини боши берк кўчага қамаб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Афсуски, таржимашуносликнинг айрим йўналишларида таржимоннинг роли ҳақида гапирилса-да, лекин когнитив фаолияти бажариладиган ақлий ҳаракатлар эсланмайди. Табиийки, таржима фақат коммуникатив акт ёки матн устида ишлашдан иборат бўлиб қолмасдан, балки когнитив жараённинг ҳам маҳсулидир.



Унутмайликки, тил когнитив жараёнларнинг “из”ларини узлуксиз ва сероблик билан акс эттирадиган ягона табиий ҳодисадир. Шундай экан, таржима муаммоларининг ечимини излашда унинг кечимини таъминлайдиган ментал ҳодисалар таҳлили муҳим ролни ўташи аниқ. Бундан ташқари, бажарилаётган фаолиятнинг самарали якунини белгилайдиган омиллардан бири бўлмиш таржима қобилиятининг шаклланиши масаласи ҳам когнитив тадқиққа муҳтож. Охирги йилларда бу йўналишдаги тадқиқотларнинг сон жиҳатидан кўпайиши когнитив таржимашуносликнинг алоҳида соҳа кўринишини олишига замин яратмоқда.

Когнитив ва эмпирик таржимашунослик йўналишларини, баъзилар истаганидек, қарама-қарши қўйишдан (қаранг: Munoz 2007) қочиш керак, албатта. Таржима жараёни тадқиқи билан боғлиқ қийинчиликлар, ушбу жараёнларнинг турли босқичларда кечиши, қобилият ва билим шакллариининг кўшилиб кетиши билан изоҳланади. Ҳар қалай, тадқиқотчилар ушбу қийинчиликлардан қутулиш йўллариини излаётиб, таржимонлар бажарадиган ментал ҳаракатлар таҳлилининг турли шакллари ва моделларини синовдан ўтказмоқдалар. Шундай моделлардан бири “релевантлик (ўринлилик ёки аҳамиятлилик) назарияси” номини олган бўлиб, ушбу назариянинг муаллифлари Дан Шпербер ва Дьердру Вилсон коммуникациянинг батамом тафаккур фаолияти камровида бўлишини таъкидлайдилар. Улар жуда ҳам тўғри қайд этганларидек, тафаккур ва идрокнинг асосий мақсади–ҳақиқатга мос келадиган ахборотни ўзлаштиришдир ва “бу ахборот қанчалик релевант бўлса, шу қадар маъқул келади” (Wilson and Sperber 1991:382). Муаллифлар фикрича, мазмун онгда бажариладиган ҳаракатлар ҳосиласидир ва бу ҳаракатлар давомида контекстнинг билим ва фикрлаш билан ўзаро алоқаси юзага келади.

Релевантлик назариясида эътибор тағмаёно ёки яширин ахборотнинг

мавжудлиги ва унинг қандай ҳосил бўлишига қаратилади. Мазмун фақат матндагина ифодаланиб қолмасдан, балки кўп ҳолатларда матннинг аниқ муҳит, унда акс топадиган шарт-шароитлар билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлади. Маълумки, коммуникацияга оид ҳодисаларни таҳлил қилиш ва тавсифлаш катта қийинчиликлар туғдиради, чунки ахборот узатишнинг одатдаги кодлаштириш ва англаб олиш усулидаги моделида нутқий бирликнинг нолисоний хусусиятлари, “мулки” эътиборга олинмайди. Аслини олганда, коммуникация иштирокчиси лисоний тузилмани маълум нолисоний контекст доирасида қабул қилади ва уни тафаккур юритиш йўли билан қайта ишлаб, мазмун ҳақида хулосалар чиқаради. Бундай когнитив ишлов натижасида чиқариладиган хулосалар мазмуннинг мағзини ташкил қилади. Бу хилда хулосалар чиқаришга нисбатан “инференция” (inference) атамасини қўллайдиган назарий ёндашувда “контекст” ва “релевантлик тамойили” тушунчаларига тез-тез мурожаат қилинади. Бунда “контекст” ёки “когнитив муҳит” қўлланишида хулосалар чиқариш манбаси, заҳира назарга тутилса, “релевантлик тамойили” эса инференцияни бошқаради, яъни чиқариладиган хулосаларнинг меъёрини, чегарасини белгилайди. Кўринадики, бу ерда “контекст” психологик тушунча бўлиб, унда ахборотни қабул қилувчининг воқелик ёки когнитив муҳит ҳақидаги билими ва унга муносабати акс топади. Когнитив муҳит қатор ташқи омилларни (ёндош ва ўзаро боғлиқ бошқа матнлардан ташқари, ижтимоий–маданий, тарихий ва ҳоказо маълумотлар) қамраб олаётиб, ушбу манбалардан олинаётган маълумотларни алоҳида таъкидлаши мумкин. Бундай контекст олдиндан мавжуд бўлмасдан, балки танлаб олинади ва “алоҳида бир контекстнинг танланиши релевантликни аниқлаш учун зарурдир” (Sperber and Wilson 1995:132-142). Демак, контекст–“матннинг оптимал кўринишда шаклланишини таъминловчи маълумотлар тўпламидир” (Ўша асар, 144 бет).



Релевантлик (жуялилик) тамойили диалогик нутқда қай даражада намоён бўлишини қуйидаги нутқий актлар алмашинуви мисолида кўришимиз мумкин:

Аҳмад: Тушликка биз билан борасанми?

Тошмат: Соат бирлар атрофида бироз вақтга банкка киришимиз керак.

Тошматнинг жавоби аниқ бир пропозиция шаклига эга бўлиши учун ушбу нутқий тузилма референти тўлдирилиши, маъно жиҳатдан аниқлаштирилиши, лозим бўлганда бойитилиши зарур. Бу хилдаги мантиқий лисоний амалларнинг бажарилиши контекстдаги маълумотлар асосида таъминланиб, релевантлик тамойили назоратида бўлади. Жумладан, Аҳмад берилган жавобнинг мазмунини англаши учун “бизлар” шаклининг референтини топиши керак. Худди шунингдек, “бироз вақт” бирикмасининг референтини излаш шарт, чунки “бироз вақт” бир неча дақиқани ёки бир неча соатни англатаётганлигини билиш муҳимдир. Фақат шу каби амалларнинг бажарилиши Тошмат тушликка таклифга рад жавобини бераётганини равшанлаштиради. Ушбу имплицит мазмуннинг ифодаси ва фаҳмланиши Тошмат бераётган жавобнинг мантиқий таҳлили ва Аҳмаднинг билим кўлами билан чегараланиб қолмасдан, балки жавобнинг мазкур контекстга релевантлиги ёки жўялиги билан ҳам белгиланади. Релевантлик тамойили, ўз навбатида, Тошматнинг жавоби тушликка таклифнинг билвосита инкоригина бўлиб қолмасдан, балки тушликка бормаслигининг сабабини сўраш борасидаги саволнинг олдини ҳам олади. Бундан кўринадики, нутқий тузилма мазмунини аниқлаш икки босқичли фаолиятдир ва уларнинг биринчисида сўзловчининг коммуникатив интенцияси, мақсади ҳақидаги фараз шаклланса, иккинчисида эса, ушбу фаразнинг тасдиғи изланади.

Шпербер ва Вилсон контекстни нутқий актни тушуниш учун лозим бўлган воситалар тўплами ёки тингловчининг

олам ҳақидаги билим-тушунчаларидан таркиб топишини таъкидлаётиб, коммуникация, худди инсон фаолиятининг бошқа турлари каби, имкониятлардан фойдаланиш самарасини ошириш, яъни кам энергия сақлаш асосида натижага эришишни мақсад қилиб қўйишини уқтиради. Бошқача айтганда, тингловчининг билими ортиқча куч, энергия сарфисиз янгиланиши, бойиши зарур. Мулоқотга киришаётган шахс айтаётганлари тингловчи (ўқувчи)лар учун релевант (тушунарли, маъқул) эканлигига ўзини олдиндан ишонтиради. Ушбу ишонч “инсоннинг психологик қобилияти ва коммуникация жараёнининг асосий тўғноғичидир” (Gutt 1996). Шу аснода маъно тингловчи когнитив муҳитини янгилайдиган ҳодиса кўринишини олади ва бунда коммуникациянинг муваффақияти сўзловчининг интенцияси тингловчига тушунарли ва эътиборли бўлиши билан таъминланади. Мулоқот коммуникаторнинг мақсадини тингловчига етказиш истагида кечади. Тағмаъноли, яширин ахборот релевантликнинг оптималлашуви орқали захираланади.

Релевантлик назариясининг таржимашуносликка татбиқи имкониятлари унчалик мукамал ўрганилмаган ва бу масалага оид ишларнинг сони ҳам ҳозирча кўп эмас (қаранг: Voase–Beir 2004; Hatim and Mason 1990; Hatim 2001; Dahlgren 2000, etc.). Ҳар ҳолда, ушбу назариянинг энг қатъиятли ташвиқотчиларидан бири Эрнст–Август Гуттдир. Лондон университетида 1989 йилда Д.Вилсон раҳбарлигида докторлик диссертациясини ҳимоя қилган бу немис олими кейинчалик “Translation and Relevance: Cognition and Context” (1991, 2000) номли монографиясини чоп қилдирди. Ўз юртдоши Волфрам Вилснинг “ўтган асрларда билдирилган фикрлар ўзаро боғланмаган қайдлар қоришмаси” эканлиги ва “айрим муҳим фикрлар айтилган бўлса–да, лекин улар ҳеч қачон бирор бир умумий, ягона мундарижадаги, барча учун ярқоли назария атрофида бирлашмадирлар (Wills 1982:11), деган



нолишидан ўқинган Э.Гутт таржимашуносликдаги бундай бетартибликнинг сабабини билиш ва ундан кутулиш йўлини топиш измида бўлди. Қизиғи, изланишлар оқибатида олим таржиманинг коммуникация фаолияти кўринишидаги талқинида релевантлик назарияси татбиқининг ўзи етарли эканлиги ва алоҳида бир умумий таржима назариясига ҳожат қолмаслиги ҳақидаги хулосага келди (Gutt 2000:vii).

Ҳа, ҳайрон қолмасликнинг иложи йўқ, Э. Гуттнинг хулосаси далилланмаган фикр бўлиб қолмоқда. Маълум бир хусусий назария, таҳлил ёндашувини улўғлаш ҳаракати умумийсини, энг муҳими методологик асосни йўққа чиқаришга олиб келмаслиги зарур. Акс ҳолда умумийлик ва хусусийлик муносабати бузилади ва назарий талқин-хулосалар пучга чиқиб, илмий тафаккурнинг пойдевори вайронагарчиликка юз тутади. Шошма-шошарлик билан чиқарилган хулоса охир-оқибатда унга берилаётган баҳонинг паст ёки салбий кўриниш олишига сабаб туғдиради. Жумладан, баъзи тадқиқотчилар релевантлик тамойилининг таржимашунослик соҳасидаги тадқиқотлар учун яроқсиз эканлигини айтишдан тортинмаяптилар (Malmkjær 1992; Natim 2001).

Айни пайтда, Гуттнинг ишонишича, “биз айтаётганимиз (талаффуз қилаётганимиз—Ш.С.) ва билдирмоқчи бўлган фикримиз талқин қилишдаги ўхшашликдир. Биз нимани ўйлаётганимизни айтишимиз шарт эмас, айтаётганимиз қандай ахборотни узатишни режалаштирганимизнинг ўрнини олади” (Gutt 2000:33). Таржима тилнинг талқинли мақсадда қўлланишининг бир кўринишидир ва таржима матни аслиятнинг талқини замирида яралади. Бундай ўхшашлик аслиятдаги барча ботиний ва зоҳирий ҳодисаларнинг бир текис сақланишини талаб қилмайди. Муаллиф ифодалаш мақсадини кўзлаган мазмуннинг бир қисми бўлган яширин ахборот таржимон олдиға баъзан имплицитликдан воз кечиш талабини ҳам

қўяди, чунки кўпгина ҳолатларда тағмаънони ошқора қилувчи омилларни топиш қийинлашади. Аммо бу турдаги зоҳирлаштириш ҳаракати ҳар доим ҳам маъқул келавермайди ва бу ҳаракатни ҳаддан чуқурлаштириш матннинг экспрессивлиги бадийлигини пасайтириши аниқ. Таржимада контекстуал таъсирчанликнинг камайишида релевантлик тамойилининг аҳамияти йўқолади. Импликатура (тағмаънога ишора)лар таржима матни ўқувчилари режасига мос келиши ёки кутаётганидек кўринишга эга бўлиши маъқулроқ.

Юқорида айтилганларни янада аниқроқ шарҳлайдиган бўлсак, таржима фаолиятининг релевантлик назариясида таржимондан аслиятнинг хусусиятларини сақлайдиган ва ўқувчининг когнитив эҳтиёжи ва истакларини қондирадиган матнни яратиш талаб қилинади. Энг муҳими, таржима матни оптимал даражада ўринли бўлиши керак ва унинг релевантлиги таъсир даражасининг имкони борича тўлиқ сақланишида намоён бўлади.

Релевантлик назариясининг муаллифлари Шпербер ва Вилсон айтганларидек, матн мазмунининг талқини турли муҳитдаги ўқувчилар учун бир хилда эмас. Матннинг бадий савияси юқори бўлгани сари унинг релевантлик моҳияти ҳам ўсиб боради (Sperber and Wilson 1995: 57). Релевантлик миқёсининг кенгайиши, ўз навбатида, матнни ўқишни осонлаштиради. Натижада, матнни ўқиш учун кетган вақтга биз ачинмаймиз, чунки олинадиган самара ҳам ошиб бораверади. Шунга биноан Э.Гуттни, баъзилари ўйлаганидек, ўқувчи доимо кам вақт ва энергия сарфлашга интилишини таъкидлашда айбладан кўра, мавжуд импликатура-ишоралардан когнитив меҳанизмларини излаганимиз маъқулроқ. Тадқиқотчилар “когнитив ютуқ” (cognitive gain) атамасини беришаётган ушбу ҳолатни шарҳлаш учун инглиз шоири Р. Томас қаламига оид куйидаги сатрларни ўқиймиз: Are they surfaces / of fathoms



which mind / clouds when examining itself / too closely (Thomas 1990:12).

Ушбу сатрлардаги mind ва clouds сўзлари от ва феъл туркумларига бир хилда оид бўлиши туфайли шеърнинг мазмунини англаш ва таржима қилиш катта қийинчилик туғдиради. Матнни оддийгина ўқиб, унинг мазмунини чақиб бўлмайди. Агарда биз mind clouds бирикмасидаги mind элементини от сифатида қабул қиладиган бўлсак, у ҳолда шеърнинг биринчи қаторидаги God's mind бирикмасини эслашга мажбурмиз. Бу сифат ассоциатив боғланишлар маъно ва мақом фарқланишида муҳим ўринни эгаллайди. Бу каби нутқий тузилма маъносини аниқлаш ҳаракати қийинчиликка ундайдиган ҳолатларда мазмунга ишора қилувчи омилларга муурожаат қилиш лозим бўлади.

Матн ва уни қабул қилувчи ўқувчи ўртасидаги боғланмаларни инобатга олар эканмиз, қуйидаги саволларга жавоб топишга мажбурмиз.

1. Ўқувчи контекстга оид ахборотни қайси кўринишларда қабул қилади?

2. Ўқувчига таъсир кўрсатувчи эффектлар нималардан иборат?

3. Тилдан фойдаланувчи шахс лозим ёки релевант бўлган ахборотни мўлжалга қандай еткази?

Релевантлик назарияси таржима жараёнида ахборотни қайта ифодаланишнинг иккита тамойилини тақдим этиш билан бир қаторда, таржима назарияси муфассал бўлиши учун тафаккур ва идрок этишнинг ҳаракатдаги механизмларини тушунишнинг нақадар муҳимлигига ишонтиради. Бу мақсадга тўлиқ эришишнинг яна бир йўли тафаккур фаолиятининг ботинида турган ҳаракат манбаларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлашдир.

Лисоний шакл ва онг муносабатининг дискурс ва бадиий асар матнида акс топиши муаммоси билан кизиққан Гай Кук релевантлик назарияси матн худудида юзага келадиган барча маъно-мазмун ҳолатларини изоҳлаш имкониятига эга эмаслигини кўрсатиб

ўтади. Зотан, контекстда ҳосил бўладиган маъно жилолари фақат ахборот узатувчи, яъни муаллифнинг мақсадини акс эттириб қолмасдан, балки унинг мақсадидан ташқари, беихтиёр ҳосил бўлиши ҳам мумкин. Олимнинг қайдича, инсон бажарадиган коммуникатив ҳаракатлар ўринли ахборот алмашиш нияти билан чегараланиб қолмайди (Cook 1994:44). Шу сабаб, айрим мулоқот шароитларида, бу сўзловчи муаллифнинг режасига кирмасида, ўзига хос “тингловчини ўзгартириш” қоидасига риоя қилишга тўғри келади. Баъзан, ҳатто, тил ментал тасаввурни ўзгартириш вазифасини ҳам ўтайди. Когнитив кўчимлар, улар режали ёки режасиз бўлишидан қайти назар, таржимашунослик учун муҳимдир. Умуман олганда, таржима ташаббусининг пайдо бўлишининг ўзиёқ когнитив кўчимлар, ўзгаришларни назарда тутайди. Лекин, бошқа томондан, аслият матнни ҳеч қандай таржима режасисиз яратилишини ҳам унутмаслигимиз керак.

Таржима жараёни кишида таржимон–ўқувчи (таржима мақсадида матн билан танишаётган шахс) аслият матннинг тасаввурдаги “дискурсив дунёси”ни шакллантиради ва сўнг уни бўлажак таржима матннинг ўқувчиси тасаввурда ҳосил бўлиши мумкин бўлган “дискурсив дунё” билан чоғиштиради. Бу қиёсда аслиятда мавжуд бўлган лисоний ва контекстуал структуралардаги меъёрдан чекинишлар таржимада сақланса, унда матн коммуникация шароитида кўзланган мақсадни бажариш қобилиятини йўқота бошлайди. Ушбу ҳолатда таржимон ахборот узатувчиси вазифасини ижро эта олмайди. Бу сифат ноқулайликларнинг олидини олиш измида бўлган Г. Кук дискурс ёки матн структурасини белгиловчи ва кечадиган когнитив кўчимларни аниқловчи мантиқий, ментал қолиплар, схемалар мавжудлигига ишора қилади.

Маълумки, когнитологияда кенг кўламда қўлланилаётган фрейм, сценарий, скрипт, схема, гештальт каби тушунчалар инсоннинг ташқи оламни идрок этиш амалиёти ва тажрибасини акс эттирувчи



намунавий билим тузилмаларини англатадилар. Бу тузилмалар, биринчидан, ташқи олам объектлари ҳақидаги билимни категориялаштириш учун хизмат қилса, иккинчидан, олам лисоний қиёфасини шакллантиришда, яъни ўзлаштирилган билимни лисоний воқеалантиришда “таянч нукта” вазифасини ўтайди (Сафаров 2006:60). Тафаккур бирликлари бўлган ушбу тузилмалардан, айтилганидек, матн яратилишида ҳам “қурилиш материали” сифатида фойдаланилади. Шундай намунавий тузилмалардан бўлган схемалар (shemata), Г.Кукнинг наздида, маълум бир дискурда баён қилинаётган воқеа-ҳодисанинг мазмуни ва мақомини олдиндан белгилайди ва бунда алоҳида лисоний бирликлар ёки контекст “калит” вазифасини бажаради (Cook 1994:90-91).

Бундан кўринадики, таклиф қилинаётган назарияда матн яратувчи ва унинг реципиентлари қай йўсинда билим тузилмаларини матн тузилишининг ментал колипларига айлантирилиши ва улардан ахборот узатишда фойдаланиши амалиётини тавсифлаш биринчи ўринда туради.

Ушбу назариянинг асосий талаби матнни тушунишни структуралар, режалар, мақсад, мавзу каби схема бочкичларининг ўзаро тартиблашувидан ташкил топишини намоиш қилишдир. Матнни яратиш ва қабул қилиб тушуниш ушбу босқичлар ўртасида турли кўринишдаги боғланишларни тақозо этади. Жумладан, бир босқичдаги тушунмовчилик бошқасига ҳам таъсир кўрсатади. Худди шу боғланишлар матн мазмуни когерентлигини таъминлайди.

Г.Кук схемани ҳаракатчан намуна, колип кўринишида тасаввур қилиш тарафдори. Рус формалистларининг матн таркибидаги чекинишлар (“остранение”) ғоясига таянган бу олим, “схема” тушунчасини матн ва лисоний структураларни қамраб олувчи матн ва тил схемаси ҳисобидан бойитишга ундайди ҳамда бир босқичдаги намунага риоя қилиш ва ундан чекиниш иккинчисида ҳам шу ҳолатларни юзага келтириши мумкинлигини қайд этади (Cook 1994:198-

221). Ҳақиқатан, олам, матн ва лисон ўртасидаги мураккаб ва кўп тармокли муносабатларни маълум намуналар асосида тасвирлаш мумкин. Дискурда бу муносабатлар турли босқичларда акс топади.

Схемаларни уч турга ажратиш амалиёти мавжуд: а) кучайтирувчи схема (reinforcing shemata); б) сақловчи схемалар (preserving shemata); в) янгиловчи схемалар (refreshing shemata). Ушбу турдаги схемалар фаоллашувида бажариладиган амаллар ҳам ўзига хос: мавжуди бузилиши, янгиси тузилиши ва мавжудлари ўртасида янги боғланишлар пайдо бўлиши мумкин (Cook 1994:191). Дискурсининг бажарадиган асосий вазифаси ўқувчининг схемаси, яъни олам ҳақидаги тасаввурида ўзгаришлар ҳосил қилишдир. Бу эса, ўз навбатида, матн ва ўқувчи онги ўртасидаги муносабатларни эътиборга олишга чақиради.

Шундай қилиб, Г.Кукнинг меъёрий чекиниш ва унга амал қилишни эътиборга оладиган назарияси таржимашуносликда тез-тез мурожаат қилинадиган эквивалентлик тушунчаси изоҳига қулайлик туғдиради. Алоҳида бир матн ўқувчи онгида турли схемаларни ҳосил қилиши мумкин ҳамда бундай турли-туманлик кўпинча ўқувчининг қайси тил соҳаси ва қандай маданият вакили бўлиши билан изоҳланади. Таржимон учун универсал, барча учун умумий схемаларни, маълум маданият, ижтимоий гуруҳ, алоҳида шахсларга хосларидан ажратиш муҳимдир. Бир хил шароитлар, ҳаракатлар замирида турлича идрок юзага келиши ва лисоний воқеаланишлар фаоллашуви мумкинлигини доимо кузатиб борамиз. Бундай фарқлар таржима матни билан танишаётган ўқувчи учун кутаётган меъёрдан чекиниш кўринишини олади ва ушбу чекинишлар маданиятлараро мулоқот жараёнида йўқотилгани маъқул. Бунинг учун таржиманинг сифати аниқланиши ҳамда баҳоланиши лозим. Аввалроқ айтилганидек, таржимани баҳолаш учун фақат матн тузилишининг таҳлили етарли эмас, баҳо ушбу, таржима матнининг аслият бажарадиган вазифаларни



тўлик такрор такрорлаётганлигига нисбатан бериледи. Гарчи маъно ва ахборот аслиятнинг ўз ўқувчилари билан муносабати кўламида туғилар экан, у ҳолда маънонинг муқобиллиги юқори даражада бўлишини ҳам таржиманинг ўқувчи тасаввурига мос келиши, унинг кутганидек бўлишига боғлиқ.

Таржима матннинг ўқувчиси муаллифнинг мақсадини англаши учун ҳар бир қатламдаги ишоралар, “калит” кўрсаткичларини топа олиши шарт. Таржимон, маданиятлараро мулоқот воситачиси ролини ўтаётиб, аслият матни ўқувчиларнинг тахминлари, юзага келиши мумкин бўлган ментал ҳолатлари, фикр-хулосаларидан хабардор бўлиши керак. Шунга биноан, ўз пайтида Ю.Найда таклиф қилган “динамик эквивалентлик” тушунчаси ўрнига “ўзаро мулоқот эквивалентлиги” тушунчасини истеъмолга киритиш мумкин. Чунки таржимон бажарадиган лисоний танловлар матн шакли ва ўқувчи онги ўртасидаги когнитив боғланишларга мос келиши керак. Таржимоннинг танлов борасидаги қарорлари ва муқобил шакл-ибораларни топиш борасидаги ижодкорлиги ўқувчининг тахмин-хулосалари ҳамда олинадиган ахборот билан уйғунлашуви кутиладиган ҳолдир.

Схемали таҳлилнинг татбиқи релевантлик назариясининг имкониятларини кенгайтириши аниқ, бу албатта мулоқот бирликлари ва матнни тушуниш жараёнига когнитив захираларнинг алоҳида боғламларини жалб қилиш сари қўйилган қадамдир. Шунинг билан биргаликда, ушбу назария доирасида қўлланилаётган баъзи тушунчаларнинг мундарижасини охиригача англаш қийин эканлигини унутмайлик. Ачинарлиси, “схема” тушунчасининг ўзи ҳам бундан холи эмас. Бинобарин, Г.Кукнинг наздида, ўқувчи маънони ўз схемасига (“билимига” дегим келади–Ш.С.) биноан яратади ва схема матн билан танишиш мобайнида ўзгариб боради. Лекин у лисоний схемаларга асосланган тузилмалар таҳлилида формал-структур ёндашувга таяниши билан

фикридаги бардавомликни йўқотади. Шунингдек, олим ўз таҳлилида асосий эътиборни меъёрдан чекиниш ҳолатларига қаратади ва луғавий маънодаги ноаниқлик, метафора, урғунинг нотўғри қўйилиши каби ҳодисаларни бир қаторга қўяди. Ҳақиқатда эса, чекиниш ҳолатларини излаш мўлжали матнни ўқиш ҳаракатининг ягона мўлжали эмаслиги кўзга ташланади, ҳамда эквивалентлик доирасига киритиладиган таржимада чекинишларни қайта яратиш таржима вазиятини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин. Боз устига, чекинишларни топиш режаси дескриптив таржимашуносликда қўйилаётган талабларга у қадар ҳозиржавоб эмас (қаранг: Тоугу 1995:77-78).

Олдинги саҳифаларда қайд қилинганидек, Э.Гутт оптимал релевантлик ва тавсифий ўхшашликни таржиманинг етакчи тамойиллари сифатида эътироф этган. Менимча, Г.Кук таклиф қилган когнитив кўчим тамойилини ҳам шу қаторга киритсак хато қилмаймиз. Ушбу тамойил таржима яратилишида фаоллик кўрсатаётган шахснинг мақомини қатъийлаштиради. Таржима уни қабул қилувчилар онгида маълум кўчимлар, ўзгаришларни юзага келтириши шарт, акс ҳолда унга ҳожат ва эҳтиёж йўқ. “Когнитив кўчим” тушунчасининг мундарижаси контекст таъсири, самараникидан кенгроқ, чунки у нафақат микроматндаги ўзгаришларни, балки тўлиқ таржима контекстида ҳосил бўладиган мантикий ўзгаришларни қамраб олади.

М.Макаров кўрсатиб ўтганидек, дискурс ва бошқа турдаги нуткий фаолият ташқи ва ички контекстларга эга бўлади (Макаров 2003:147). Улардан биринчиси мулоқот вазиятини ва маълум жамоа, гуруҳдаги антропологик, этнографик, ижтимоий, рухий, маданий шароитларни акс эттирса, иккинчиси эса, мулоқотдошларнинг ментал қобилияти ҳудудига оиддир. Ушбу икки турдаги контекстни моҳиятан ягона бир ҳодисанинг икки жиҳати сифатида қараш мумкин. Уларнинг фарқи фақат семантик



хусусиятларида ажралади, чунончи, “ташки контекст” (extrinsic context) рухий ёки онтологик кўрсаткичларга таянади ва матн талқини шароитида лисоний бирликларнинг қийматини белгиловчи билим эгалланади. “Ички контекст” (intrinsic context) эса, аслидан семиотик характерга эга, у дискурсда инференция, импликатура, пресуппозиция кабилар кўринишида мавжуд бўлиб, нутқий бирликларнинг коммуникатив қийматини бевосита намоён қилади (Dijk van 1981:54). Когнитив тузилмаларнинг ҳаракати контекст муҳитида кечади ва шу муҳитда ўзгаришлар юзага келади.

Таржимани ижтимоий ва когнитив фаолият сифатида қараётган Д.Кирали таржимонни учта ўзаро боғлиқ вазиятли контекстларнинг иштирокчиси эканлигини таъкидлайди. Булардан биринчиси аслият матни, иккинчиси таржима матни контекстлари бўлса, учинчиси таржима фаолияти кечадиган алоҳида контекстдир. Охиргиси дастлаб икки контекст оралиғидан жой олади ва уни, ботиний ментал характерга эгаллиги туфайли, бевосита кузатиб бўлмайди. Таржима жараёнининг когнитив (психоллингвистик) талқинида эса, таржимоннинг онги ахборотни яратувчи тизим қолипида қаралиб, таржима “лисоний ва нолисоний ахборотдан фойдаланган ҳолда назоратли ҳамда беихтиёр бажариладиган ҳаракатлар ҳамоҳанглиги ҳосиласи” бўлиши эътироф этилади (Kiraly 1995:102). Унутмаслик жоизки, тафаккур фаолиятида кузатиладиган беихтиёр ҳаракатлар назоратдагиларидан тамоман айри ҳолда юзага келмайди. Айниқса, таржима фаолиятида хотирадаги билимнинг бевосита аслият матнидан олинадиган маълумот билан қоришуви доимо кузатиладиган ҳол. Шунга биноан, таржима стратегияси танловида назорат тизимининг таъсири яққол кўзга ташланади.

Лисоний танлов когнитив структуралар ва жараёнлар қамровида кечишини ҳеч ким инкор этмаса керак. Ушбу ҳақида услубшуносларнинг билдирган фикрлари анча узоқ-юлуқ

туюлса—да, лекин улар универсалиялар тадқиқида муҳим ролни ўтаб, кейинчалик когнитив поэтика йўналиши шаклланишига тўртки берди. Лисоний маънонинг шаклланиши инсоннинг ҳаётий тажрибаси билан боғлиқлиги когнитологлар томонидан аллақачон эътироф этилган. Бироқ концептуаллашув ҳаракати мослашувчанликка мойил ва мослашиш олами идрок этаётган инсон онгига табиатан хосдир. Айни пайтда концептуаллашув жараёни бир текис кечмайди: баъзи тузилмаларнинг шаклланиши ўта қийин кечади, ҳатто айрим ҳолатларда бу жараён тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Концептуаллашувнинг инсон тажрибасига асосланиши ҳаммага таниш бўлган лингвистик нисбийлик назариясига бўлган эътиборни янада кучайтиради. Ушбу назария доирасида энг кенг тарқалган қарашда тил ва тафаккур муносабатида тилни етакчи ўринга қўйиш анъанаси мавжуд. Тафаккурни тилнинг грамматик тизимида бўйсунтирсак, унда инсоннинг тафаккур фаолиятида таянч бўлиб турган тажрибани қаерга жойлаштирамиз? Адабиётларда лингвистик нисбийлик назариясининг методологик жиҳатдан асосизлигини исботловчи кўплаб далиллар келтирилган (қаранг: Сафаров 2015:325-334; Нурмонов 2012,2-жилд: 198). Балким, барча миллатлар учун умумий бўлган универсал концептуал тузилмалар мавжуддир, аммо алоҳида тилларда юзага келадиган семантик структуралар эслатилган концептуал версияларни такрорлаши шарт эмас. Бундан маълум бўладики, лингвистик нисбийлик назарияси тарафдорлари такрорлаб юришган “тафаккурда ҳаракатда бўлган структуралар гап маъно тузилишининг бевосита такроридир”, деган ғоя ўзини оқламайди. Рональд Лангекер нисбийлик назарияси асосчиларидан Бенжамин Уорф келтирган инглизча *He invites people for a feast* (“У одамларни зиёфатга таклиф қилмоқда”) гапини унинг нутқ тилидаги муқобили (унинг сўзма-сўз таржимаси “*He goes for eaters of cooked food*” кўринишга эга)



билан чоғиштираётиб, ҳар иккала ҳолатда ҳам бир хилдаги когнитив тажриба намоён бўлса-да, лекин бу тажрибани ифодалаш учун турли семантик структураларга мурожаат қилинаётганини таъкидлайди (Langacker 1976:344). Семантик структураларни “меъёрдаги тасаввур” (conventional imagery) деб атаган Р.Лангекернинг қайдича, тилнинг ифода захираси одатда маълум бир вазиятни ифодалаш учун турли тасаввур ва тасвирлардан фойдаланиш имконини беради. Бироқ бу тасаввур баъзан шу қадар ўткинчики, у бизнинг тафаккуримизга, ўй-фикримиз мазмунига таъсир ўтказишга улгурмайди (Langacker 1991:12). Воқелик идроки ва лисоний вокеланишдаги бу тарздаги фарқларнинг ҳамда универсал когнитив тузилмаларнинг таъсири ўзига яраша эканлигини, масалан, инсон танаси ҳолати ҳақида маълумот берилишида кўриш мумкин. Жумладан, инглиз тили соҳиби совуқотаётганини билдириш учун ўзининг шу ҳолатда эканлигини маълум қилади: I Am cold, француз эса эгалик муносабатини ёқтиради—J’ai froid (“I have cold”).

Онгнинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида атроф-муҳитнинг ўзига яраша ўрни борлиги аниқ. Шу аснода биологик умумийлик ва маданий фарқларнинг тўқнашуви таржима ҳодисасига когнитив ёндашув учун муҳимдир, чунки таржима амалиётининг асосий омилларидан бўлган лисоний ифода бирликлари танловида онгнинг таъсир кучи ва аҳамияти лисоний фаолиятнинг бошқа турларига нисбатан яққол сезиларлидир.

Онг олам-воқелик ва матнни боғловчи восита бўлганлиги боис, таржимашунослар унинг тадқиқи билан озми-кўпми шуғулланиб турадилар. Тўғрида, матн, айниқса, бадий матн, онг фаолияти маҳсулоти сифатида қараладиган бўлса, унда бу маҳсулотда муаллиф онгли тафаккури изларини топишга интилишимиз табиийдир. Тадқиқотчилар ҳали ўрта асрлардаёқ тилни умумий билим тизими ва сўзловчи онги (тафаккури)нинг акс-садоси тарзидаги

ҳодиса кўринишида талқин қилиш ҳаракатида бўлган эдилар. Лекин нуткий режанинг катта қисми муаллиф онгида лисоний ифода топмасдан қолиб кетади ва бу таржимонни имплицит маънони излаш ҳамда уни таржима матнида сақлаш йўлини топишга ундайди. Бунга эришиш учун муаллиф ҳамда ўқувчи (таржимон) бир-бирига яқинлашиши зарур ва фақат шу йўсинда муаллиф фикр-ҳиссиётларининг ўзига хос жиҳатларини пайқаш мумкин бўлади. Бироқ, онг инсон организмда қандай ҳаракатланишини аниқлаш қанчалик мушкулот бўлса, унинг матн таркибида қандай жойлашинини билиш ҳам у қадар осон эмас. Машҳур адабиётшунос ва услубшунос Р.Фаулер “онг усули” (mind style) тушунчасини кўллар экан, “алоҳида шахс ментал ҳолатини бошқалардан тафовутли тарзда лисоний ифодаланиши”ни назарда тутди (Fowler 1977:103). Олим “онг усули”ни матн лисоний тузилмалари билан боғламасдан, балки ўқувчи онгида пайдо бўладиган таассурот деб қарайди. Бошқа услубшунослар наздида эса, бу ҳодиса матнга хос хусусият бўлса-да, аммо когнитив ҳолатни такрорлайди (Boose-Bier 2003). Гумонсиз, таржима матнлари когнитив ҳолатларни ифодалайди ва яратади. Ушбу ҳолатлар таржима жараёнида сақланмаса, таржиманинг ўқувчилар онгига таъсири кучсизланади ёки батамом йўқолади. Демак, бу таъсирни сақлаш учун қўйиладиган илк қадам уни (таъсирни) англашдир. Матн воситасида узатилаётган ахборотнинг мазмуни, олдинроқ айтилганидек, схемалар, яъни олдиндан мавжуд бўлган билим структураларидан иборат. Ўқувчилар ажратадиган ушбу структуралар индивидуал ва маданий билимлар, ғоялар, эътиқодлар уюшувини тақозо этади.

Онг ёки тафаккурнинг матнидаги акси когнитив ҳолатнинг барча жиҳатлари ифодаланишида кўрилади, чунки у ғоя, шахсий муносабат, алоҳида ҳиссиётлар таъсирида бўлиши мумкин. Р. Фаулер бекорга маънони умумий ғоядан ажратиб бўлмаслигини ва унинг социал структураларга (social structures) қарам



эканлигини бекорга таъкидлагани йўқ (Fowler 1997:2). Онгнинг матндаги бошқа бир мақоми услуб намоён қилаётган муносабатда кўринади ва киноянинг таржимасида алоҳида аҳамиятга эга, чунки воқеликка бўлган асл муносабат йўқолган тақдирда таржима тамоман ўзгариб кетади.

Илмий адабиётларда келтирилган бир мисолни олайлик: Ja, dann wird deutsch gesprochen... /Wir sind doch wieder wer. Немис шоири фон Торне қаламига мансуб ушбу шеър қатори “Биз яна немис тилида сўзласак..... Биз яна кимдирмиз” мазмунида англашилганида Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги даврда немисларга бўлган муносабат ўзгараётганлигига, эндиликда “кўпчилик” ўзини ҳеч нарса бўлмагандек тутаётганлигига ишора мавжуд (Sebold 2003:41-42). Келтирилган шеър таржимасида dann wird deutsch gesprochen ибораси мазмунидаги кинояни сақлаш муҳимдир. Зотан ушбу киноя тагида ҳақиқатни яшириш мақсади турибди. Мабодо “очиқ гапириш” ёки “она тилида гапириш” маънолари фаоллашса таржима ўз аҳамиятини йўқотади.

Когнитив тилшуносликда олдинга сурилаётган фарзлардан бири лисоний қобилиятнинг тафаккур, онгдан жудо қилиб бўлмаслиги ҳақидадир. Инсон когнитив тизимида лисоний шакллар идрок билан боғлиқ бошқа ҳодисалар (перцепция, эмоция, категориялаштириш, мавҳумлаштириш каби) билан уйғунлашган ҳолда ҳаракатга келади ва шу боис лингвистик таҳлилда биз инсоннинг тафаккур қобилиятига оид ҳодиса, ҳолатларни инобатга олишимиз керак бўлади. Барча когнитив имкониятлар лисон билан муносабатга киришади ва шу муносабат доирасида лисоний-тафаккур ҳаракатлари фаоллашади. Тил ва когниция ўртасига қўйиладиган ҳар қандай девор сунъий ҳамда Берлин деворидек лойи пухта эмас, доимо нурашга тайёр. Тилни билиш, уни ўзлаштириш ва ундан фойдаланишга оид муаммолар доим тилшуносликнинг диққат марказида. Лисоний билимнинг таркиб топиши ва ундан фойдаланиш амалиёти онгда қўним

топадиган бошқа билим турларидан унчалик даражада фарқ қилмайди. Албатта, тил алоҳида ва фақат инсонга хос бўлган когнитив қобилиятдир, ундан фойдаланиш махсус малака ва кўникмаларга эга бўлишни талаб қилади. Бажарилган тадқиқотлар натижалари гувоҳлик беришича, лисоний қобилиятни умумий концептуал структуралар доирасида тавсифлаш мумкин. Бинобарин, категориялаштириш воситасида олам лисоний қиёфасини шакллантириш умумий (гештальт) идрок, ментал тасаввур, маданият, аҳамият кабиларни камраб олади (Croft and Cruse 2004:2-3).

Лисоний тузилмаларни яратиш ва уларни мазмуний англашда ментал тасаввур яширин тафаккур ролини ўташи масаласига олдинроқ тўхтатилган эдик. Таниқли фаранг мантиқшуноси изоҳланаётганидек, лисоний шакллар “когнитив айсбергнинг фақат кўзга ташланадиган учидир” (Fauconnier 1997) ва лисоний фаолиятга киришаётганимизда, у табиий ёки ижодий руҳда бўлишидан қатъи назар, беихтиёр кенг кўламдаги когнитив захирага мурожаат қиламиз. Турли тавсифларни олаётган захира унсурларининг барчаси матнда муаллиф ёки сўзловчи мақомини олувчи концептуаллаштирувчи шахс фаолиятининг таркибий қисмларига айланади. Оқибатда, ҳар қандай лисоний шаклда маълум бир когнитив структуранинг изи қолади. Фаранг мантиқшуносининг ёзишича, когнитив структуралар алоқага киришувини алоҳида ҳудудлар, марказлар (domains) ўзаро муносабати таъминлайди ва бу ҳудудлар лисоний тузилмалар таркибидан ўрин олмасдан, балки когнитив структуралар қарамоғидадир. Тил эса ушбу структуралар атрофида фаолият кўрсатади (Ўша асар, 13 бет).

Когнитив қолипларнинг таржима таҳлиliga татбиқ қилиниши соҳада ҳукмрон бўлиб келган айрим ғояларни қайта кўриб чиқишга ундайди. Жумладан, таржима амали аслиятдаги маънони бошқа тил шаклига ўтказишдан иборат эканлиги ҳақида қачонлардан буён такрорланиб



келинаётган фикр ўз қийматини йўқотгандек туюлади, зеро маънонинг фақат кичик қисмигина лисоний шаклда кодлашади, унинг энг катта қисми эса тилдан амалий фойдаланиш лисоний фаолият кўламида юзага келади ва таржима жараёнида қайта тикланади. Робин Сеттон, таржиманинг прагматик меъёрлари ҳақида гапираётиб, турли манбалар билан боғлиқ когнитив структуралар “эски ва янги ахборотнинг қоришуви ҳосиласи” эканлигини ва бу ҳосила, маҳсулот эндиликда ҳеч жиҳатдан “аслият нутқиға” эмас, балки “мўлжалдаги нутққа” (target speech) тегишли бўлишини қайд этади (Setton 2002:14). Менимча, ушбу фикр таржима фаолиятига умумий маънода оиддир. Шунингдек, когнитив захиралар ҳаракат имкониятларидан хабардор бўлиш таржимашуносликда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келаётган эквивалентлик тамойилига нисбатан ҳам баъзи гумонларни уйғотади. Аслиятда ифодаланиши ва кейин таржима тилида такрорланиши хаёл қилинаётган мукамал кўринишдаги когнитив бирлик аслида мавжуд эмас. Когнитив ҳаракатларнинг турли манбалар билан боғланиши тафаккур бирлигининг олдиндан мавжудлигини инкор этади.

Алоҳида лисоний маданият доирасида кечадиган мулоқотнинг самараси маданий, контекстуал, когнитив қатламларнинг коммуникантлар учун умумий, бир хилда таниш бўлиши билан боғлиқ. Турли тилларда талаб қилинаётган когнитив тузилмаларга ишора қилувчи турли воситалар, “калитлар” мавжуд (Fauconnier 1997:188). Бунинг натижасида, яширин билим ҳам турли маданиятларда бир хилда таркиб топмайди. Таржима талабга жавоб берадиган даражада бўлиши учун бир тилда ишора қилинаётган когнитив тузилмаларни маълум бир кўринишда (баъзан қисман бўлса-да) қайта тиклаш ҳамда, энг қийини, тамоман бошқа ифода усулларига эга бўлган тил ўхшаш (“муқобил” дейишга тилим бормади) тузилмани қабул қилишини аниқлаш вазифаси туради.

Когнитив тилшуносликнинг яна бир илмий фарази тил билимининг ундан фойдаланиш асосида шаклланиши ҳақидадир. Бу тилнинг семантик, фонологик, морфологик, синтактик сатҳларидаги лисоний категориялар, структуралар маълум нутқий актларнинг у ёки бу вазиятларда қўлланишида ажратилишидан дарак беради. Р.Лангэкер ва бошқа когнитивистлар тилни ёки грамматикани билиш лисоний бирликларнинг тилдан фойдаланувчилар онгида ўринлашувидан иборат деб ҳисоблаётиб, бу билим лисоний фаолият жараёнида мустаҳкамланишини қайд этадилар. Бундай эътирофдаги лисоний бирликлар категорияларни ташкил қиладилар ва таржимада манба структураси хизматини ўтаётиб, фаоллашув ва фойдаланиш меъёрларини назорат қилади! Назорат иборанинг қандай даражада тузилганлигининг мезонини белгилайди. Таржимада юзага келаётган структура схемага мос келганида манба структураси қўлланиши тўлиқ назорат қилингани маълум бўлади. Таржима матнидаги структурада номуқобилликлар сезилса, манбанинг назорати қисман кечади.

Таржимада лисоний танловни таъминловчи назорат икки хил манбага эга. Таржима тилида амалда бўлган қоидаларнинг таъсир кучи юқори бўлиши ҳеч қандай гумон туғдирмаслиги аниқ. Аммо аслият матни битилган тилнинг қоидалари иккинчи тилникига таъсир ўтказиши ва мослашиши мумкинми? Анъанавий таржимашуносликда ушбу саволга одатда ижобий жавобни эшитасиз. Лекин таржима реципиентлари икки хил фикрда бўлишлари мумкин: биринчисида таржима бутунлай иккинчи тил қоидалари назоратида бўлиши зарур (бунда матнни ўқиш осон кечади), иккинчисида эса, таржима матнида аслият тилининг қоидалари назорати изсиз йўқолмайди. Ҳар ҳолда, буларнинг иккаласи ҳам жуда кескин, охирги ҳолатдир. Кўп ҳолатларда таржима тили ўзига хос мақомга эга бўлиб, аслият ва иккинчи тилдан маълум даражада фарқли кўринади. Жумладан,



охирги пайтларда ўзбек тили синтаксис тизимида кузатилаётган (айниқса илмий жанрдаги матнларда) мажхул даража шакли қўлланиш даражасининг ўсиши, синтактик моделлар кўламнинг кўпайиши, гапда сўз тартибининг эркинлашуви каби ҳолатларнинг сабаби ғарб тилларидан ўгирилаётган матнларнинг миқдори ва ҳажми ошиб бораётгани бўлса, ажаб эмас.

Таъкидлаш жоизки, таржима фаолиятининг юқорида эслатилган когнитив моделлари асосан ёзма матнлар таржимасига оид бўлиб, оғзаки ёки синхрон таржима жараёнида баъзи бир бошқа кўринишдаги моделлар ҳам фаоллашади. Таржимашунослик соҳасидаги асарлари билан барчага яхши таниш бўлган В. Вилсс таржимани билимга асосланган фаолият тури, деб қарайди, билимнинг жамланиши схемали тарзда кечади. Тўпланган билим таржима амалиётида энг мақбул вариантни танлаш учун имконият яратади. Танлов жараёни муаммолар ечимини излаш фаолияти билан боғлиқ. Муаммо ечимини топиш эса хотиранинг ҳар икки қисмига (узоқ ва яқин хотира) мурожаат қилишга ундайди. Ечимни топиш жараёни, олимнинг наздида, олти босқичдан иборат: 1) муаммоларни ажратиш; 2) муаммолар тавсифи; 3) керакли маълумотни излаш ва жалб қилиш; 4) муаммони ечиш стратегиясини белгилаш; 5) ечимни танлаш; 6) ечимни баҳолаш (Wills 1996:191). Ушбу босқичлар кечишида қарор қабул қилинаётганида таржимон ўз

когнитив қобилиятига мос равишда содалаштириш ҳаракатларини ҳам бажариши мумкин.

Шундай қилиб, таржима жараёнининг когнитив моделларида қуйидаги хусусиятлар олдинги ўринга чиқади:

а) маънони тушуниш ва қайта ифодалашнинг когнитив босқичлари мавжудлиги;

б) ахборотни хотирада сақлашнинг муҳимлиги;

в) жараённинг лисоний ва нолисоний элементлар яқдиллигида таъминланадиган динамик табиати;

г) жараённинг ночизиқ йўналишда кечиши, унинг матннинг бир текис таракқиётига бўйсунмаслиги;

д) автоматик ва оқилона, назоратли ва назоратсиз ҳаракатларнинг фаоллашуви. Таржима беихтиёр ва назоратли бажариладиган ҳаракатлар замирида яратиладиган ахборот манбаларини танлайди.

е) жараённинг махсус стратегиялар асосида, муаммолар ечимини излаш ва қарор қилиш ҳаракатлари фаоллигида кечиши.

Ушбу турдаги хусусиятларнинг кенг кўламда бўлиши таржимани ночизиқли, синергетик тартиботли жараён сифатида тавсифлашга ундайди ҳамда уни назоратли ва назоратсиз, беихтиёр ҳаракатлар уйғунлигида кечишидан дарак беради.

Адабиётлар

1. Boarse–Bier J. Saying what someone else meant: styles relevance and translation//International Journal of Applied Linguistics, 2004. vol. 14 (2).–P. 276-287.
2. Boarse–Bier J. Mind style translated//Style, 2003. vol. 37 (3).
3. Cook G. Discourse and Literature: the interplay of form and mind.–oxford:Oxford University Press, 1994.
4. Croft W. and Cruse A.D. Cognitive Linguistics.–Cambridge: Cambridge University Press, 2004.
5. Dahlgren M.A Relevance–based Approach to Poetry in Translation//Perspectives: Studies in Translation, 2000. vol.8 (2).–P. 97-108.
6. Dijk T.A. van Studies in Pragmatics of Discourse.–The Hague, 1981.
7. Fauconnier G. Mappings in Thought and Language.–Cambridge: Cambridge University Press, 1997.



8. Gutt E.A. Implicit informational in literary translation: a relevance theoretic perspective// Target: International Journal of Translation studies, 1996. vol. 8 (2). – P. 239-256.
9. Gutt E.A. Translation and Relevance: Cognition and Context. Oxford Blackwel, 1991/2000.
10. Hatim B. Teaching and Researching Translation.–London: Longman, 2001.
11. Hatim B., Mason I. Discourse and the Translator.–London: Longman, 1990.
12. Kiraly D. Pathways to Translation: Pedagogy and process.–Kent, OH: Kent University Press, 1995.
13. Langacker R. Concept, image and symbol: the cognitive basis of grammar. – Berlin: Mouton.–London: Methuen, 1977.
14. Langaker R. Semantic representations and the linguistic relativity hypothesis//Foundations of Language, 1976. vol. 14.-P.307-358.
15. Malmkjer K. [Review of] E.A. Gutt: Translation and Relevance: Cognition and Context // mind and Language, 1992.vol.7 (3).–P. 298-309.
16. Munoz R. Traduclologia cognitive y traductologia empirica. In: G.Wotjak (ed.) Quo vadis, translatoogie? –Berlin: Frank und Timme, 2007.–P. 267-278.
17. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.–Жиззах: Сангзор, 2006.\
18. Reddy M. The Conduit Metaphor. In: A. Ortony (ed.). Metaphor and Thought. – Cambridge: Cambridge University Press, 1979.
19. Sebald W.G. On the Natural History of Destruction.–London: Penguin, 2003.
20. Setton R. Pragmatic analysis as a methodology//Target. 2002. vol. 14 (2).–P. 353-360.
21. Sperber D. and Wilson D. Relevance: Communication and cognition.–Oxford: Blackwell Publishing, 1986/1995.
22. Thomas R.S. Counterpoint–Newcastle upon Tyne: Bloodaxe, 1990.
23. Toury G. Descriptive Translation Studies and Beyond.–Amsterdam: John Benjamins Publishing, 1995.
24. Wills W. The Science of Translation: Problems and Methods. Tübingen: Gunter Narr, 1982.
25. Wilson D. and Sperber D. Inference and implicative. In:S.Davis (ed.). Pragmatics: A Reader.–New York: Oxford University Press, 1991.-P.377-93.
26. Нурмонов А. Танланган асарлар. II. жилд.–Т.:Akademnashr, 2012.
27. Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. – Т.: Бфёз, 2015.
28. Умархўжаев М.Синхрон таржима дарғаси//Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспектлари.–Андижон, 2015.–362-364.
29. Цвиллинг М.Я. О переводе и переводчиках. Сборник научных статей.–М.: Восточная книга, 2009.
30. Цвиллинг М.Я. Эвристический аспект перевода и развитие переводческих навыков//Чтение. Перевод. Устная речь.–М.:Наука, 1977.-С.172–180.

Сафаров Ш. Когнитивные модели исследования процесса перевода. В статье детально исследуются когнитивные модели, необходимые в процессе перевода текста (в частности художественного). Применение подобных моделей в процессе перевода, несомненно, повысит качество переводческой работы.

Safarov Sh. Cognitive models of translation process investigation. The article presents a detailed investigation of cognitive models which are necessary in the process of translating a text (literary in particular). Implementation of such models in translation prosess will surely raise the quality of translative work.